

КИШЛОК ХАЖЖАТИ

1991 йил 14 июнь

ЖУМА

№ 113 (5.155)

БАҲОСИ 8 ТИВИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши-
нинг бешинчи сессияси 13 июнь кунин Тошкентда ўз иш-
ни давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси
Ш. М. Нурдодов бошқари.

Сессия яшида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбеки-
стон Коммунистик Марказий Комитетининг биринчи котиби
И. А. Каримов қатнашди.

Депутатлар кун тартибидagi масалаларни муҳокама
қилишни давом эттирди. Қонунийлик, қонунийлик ва
ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ.
Халилов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибидagi
лояҳасини тўғрисида маъруза қилди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг иш тартиби қабул
қилинди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов
«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартнома
лояҳасини ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари
Д. Н. Шамметов, Э. Т. Шайхон, М. Т. Зоҳидов, Ҳ. З.
Низомидинов, Т. Ш. Ширинқулов, Ф. Омонов, Н. Ю.
Тўраев, М. Р. Раҳмонов, Т. Қошимов, Б. К. Нурметов,
Ш. Мирзаев, А. Турдиқулов қатнашди.

Олий Кенгаш шу масала юзасидан қарор қабул қилди,
Иттифоқ шартномасини имзолаш учун делегация тарки-
бини тасдиқлади.

Сўнгра депутатлар «Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси билан Қирғизистан Республикаси ўртасида
дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон
Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон
Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва
ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномаларни ратификация
қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Шу масала

юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Ва-
зирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ.
Жўрабеков ахборот берди.

Маъмур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти
И. А. Каримов нўтқ сўзлади.

Халқ депутатлари ҳар икки шартномани ратификация
қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг шу йил ба-
ҳорда республикада юз берган табиий офат оқибатлари-
ни тугатиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари тўғри-
сида И. Ҳ. Жўрабеков ахборотини маълумот учун қабул
қилди.

Депутатлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-
ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини муҳокама қилди-
лар. Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Э. Во-
ҳидов маъруза қилди.

Лойиҳани муҳокама қилишда халқ депутатлари Р. Раҳ-
монов, Н. Саъдуллаев, М. А. Ибодуллаев, С. Мадаминов
(Муҳаммад Солиҳ), Э. Ҳакимов, С. И. Зинин, К. Тўйчи-
ев, М. Р. Отақулова, Т. Нурдодов, Н. Н. Ёқубов,
И. Файзуллаев, Д. Т. Раҳматов, Ўзбекистон ССР проку-
рори Б. М. Мустафоев қатнашди.

Депутатлар ошкоралик масалалари комитетига айтил-
ган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани
пухталаштириш ҳамда уни овозга қўйиш учун тақдим
этишни тошириди.

Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масала-
лари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров «Виждон эр-
килиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон
ССР қонуни лойиҳасини ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Б. Ж.
Ҳакимов, И. Юсупов, Ҳ. Қ. Эшонқулов қатнашди.

Муҳокама қилинаётган масалага доир музокараларни
давом эттиришга қарор қилинди.
Сессия ўз ишни давом эттирди.



Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши-
нинг бешинчи сессиясида.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ДАЛАЛАР НАФАСИ

ФАЛАБА

«Ўзбекистон ССР беш
индлинги» давлат хўжалиги-
нинг Тўғривой Аскарлов бош-
лиқ бригадасида гўза пар-
варши ушқоқлик билан
олиб борилган.

— Жамоамиз яришкор-
лари амалдаги йилда 78 гек-
тар ерда деҳқончилик қила-
пти, — дейди сардор. —
Мақсадимиз ҳар гектар май-
дондан 40 центнердан хом
ашё ариғон этиш. Шу ин-
яда бутун кечагидан, эрта-
га эса бутунгидан унумли-
роқ ишлашга ҳаракат қила-
шимиз.

Э. ШЕРМОНОВ.

УЛЪЯНОВ

Райондаги «Партия XX
съезди» давлат хўжалиги-
нинг Зулайхо Қасимова бош-
лиқ бригадасида «Қўлуварлари
бултур 70 гектар майдон-
нинг ҳар гектаридан 31,7
центнерлик хирмон ушқоқ-
лик. Амалдаги йилда эса зар-
шунослар бу кўрсаткични
35 центнерга етказишмоқ-
чи. Ҳозир дала ишлари
аж олдирилмоқда.

Э. ҲОЛБОВЕВ.

ПАХТАКОР

Жорий йилда ҳар гектар
ердан 22,8 ўрнига 26 цент-
нердан оқ олтин етишти-
ришга бел болаган Акмал
Икромов номли совхознинг
А. Қаршибоев бошлиқ бри-
гадаси яришкорлари тўғри
гектарлар ҳосил қилди.
Айни кунларда ниҳоллар
неҳр билан парваршилана-
пти. Ҳозиргача қатор орал-
ри икки марта юмшати-
ди. Бунда механизатор Т.
Самарқулов ябрат кўрсата-
пти.

З. ҒОФУРОВ.

ДЕНОВ

Куйбишев номли жамоа
хўжалигининг Абдумалик
Ҳамроев бошлиқ бригадаси
далаларда ниҳолларни пар-
варшиллаш қизғин олиб
борилаеттир. Шу кунларда
колхозчиларнинг қўли-қўлига
тегмапти. Етишгичлик
натijasида содир бўлган
қатқалоқ ҳамжихатлик бил-
лан қилинган меҳнат туфай-
ли бартараф этилди. Мех-
анизатор Бекназар Раҳматов
чоңиқ трактори билан кун-
га 6—8 гектар майдондаги
гўза қатор ораларига сифат-
ли ишлов бермоқда. Дала
юмушларида 40 нафар кол-
хозчи фаол қатнашапти.

— Кузатишимизга қара-
ганда гўза ривож ўтган
йилгидан тўрт-беш кун ол-
дин, — дейди жамоа етак-
чиси А. Ҳамроев. — Бул-
тур шу пайтда ҳар бир ин-
ҳолда 3—4 тадан шона бўл-
ган бўлса, ҳозир бу 6—7
тага тўғри келапти. Куни-
кеча биринчи уруғ тушган
пайкалдаги кўчатларда гул
қўриди. Ҳозир бутун кўч ва
гайратни гўза парваршига
қаратганимиз. Бунда Шух-
рат Муродов, Қўчқор Турсу-
нов, Аҳмад Махсумов, Қо-
рақул Эшонқулов каби зар-
шуносларимиз бошқаларга
ўрнатқилишмоқда.

З. АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. МУТАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИ
ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қара-
б чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Абдуллоҳим Муталов Ўзбекистон ССР дон маҳ-
сулотлари вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон
ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раис-
ининг ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. Ш. ҲАБИБУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ТАБИАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қара-
б чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Асхад Шарипович Ҳабидуллаев Ўзбекистон ССР
Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси
этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. С. МОРГАСОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ
ХАВФСИЛИГИ ҚЎМИТАСИНING РАИСИ ВАЗИФАСИДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Анатолий Сергеевич Моргасов бошқа ишга ўт-
ганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат хавф-
сизлиги қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Жумҳурият Президентининг аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида ер ажратиб бериш, чорва моллари сонини кўпайтириш ва уларга ем-хашак етказиб бериш тўғрисидаги фармонлари узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган етишмовчиликларга, сарсон-саргардонликларга барҳам бермоқда. Меҳнатқашларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг мавжуд имкониятларини тўла ишга солишининг калити айнан шу нуқтада экани аён бўлди. Шахсий хўжалик ривожланмас, хонадон ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш имконидан фойдаланимас экан, мамлакат миқёсидаги фаровонлик ҳақида гапирингача ҳо-жат йўқ. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон ўзини сут, тум, мева, सबзавот билан таъминласанига, ортганини

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Ғ. АЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ
ХАВФСИЛИГИ ҚЎМИТАСИНING РАИСИ ЭТИБ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қара-
б чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Ғулом Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсиз-
лиги қўмитасининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. А. ХАЧАТУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ ҲАҚАМЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қара-
б чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳақами ўртоқ Роберт
Альбертович Хачатуров Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлик
судининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Б. БУГРОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎРТОҚ У. Қ. МИНГБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қара-
б чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий
Кенгаши қарор қилади:
Ўртоқ Убайдулло Қурбоневич Мингбоев Тошкент ша-
ҳар судининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбеки-
стон ССР Олий судининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари
Ш. ЯҲУДОЕВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЖИГАРИСТОН: ДАСТЛАБКИ УЙ БИТКАЗИЛДИ

Янги Жигаристон кўрғо-
нида қад кўтарётган 50 та
уйнинг дастлабкисиз — 40-
сонли уй мўддатидан 15 кун
илгари кўриб битказилди.
Уни фойдаланишга топши-
ришга бағишланган маро-
сизда шу даҳанинг фуқаро-
лари, кўрунчилар, жамоат
ташкilotларининг вақил-
лари иштирок этдилар.

аро қурилиш трестининг
Пискент райондаги 15-ме-
ханвациялашган кўчма ко-
лоннаси бинокорлари астой-
дил меҳнат қилишди. Шу-
нис қувонарлики, янги уй-
ни қуришга сарфланган 50
минг сўмликдан ортқ кәпит-
тал маблағини Пискент рай-
он меҳнатқашлари берди.

Янги уйни бунёд этишда
Тошкент вилояти колхозлар-

да кotteж типидagi 4 хона-

ХОРАЗМ ФЕРМЕРЛАРИНИНГ ҲИССАСИ

Тайёрлов пункти Гурлан
райондаги Киров номли
жамоа хўжалигида ишлаёт-
ган фермер Б. Қурбонбоев
дан сутини энг юқори нарх-
да, бир литрини 65 тийин-
дан қабул қилиб олмақда.
Бунинг сабаби — сутнинг
ниҳоятда куюқлигидир.

етиштиришдан даромад ол-
моқда. Йил бошидан бери
олтига бурдоқини кушхонага
жўнапти. Бу уч тонадан ор-
тиқ гўшт демандир. Нати-
жада 15 миңг сўм даромад
қилди.

Баҳромнинг 60 тадан
кўпроқ қўй ва эчкини ҳам
бор. У ҳар якшанбада чор-
ва базориди парвона беш
қўй ва қўзиларни сотмоқда.
— Гарин анчадан бери
мол боқётган бўлсам ҳам,
ўз-ўзидан фермер бўлиб
қолганим йўқ, — дейди Қур-

бойбоев, — район деҳқончи-
лик-санаят уюшмаси ёрдам
берди. Ҳозир менга ўн гек-
тар ҳосилдор ер ажратиб
беришган. Унга асосан озу-
қа экинларини экканман, по-
лиз экинларини ҳам унут-
ганим йўқ. Ферма мутта-
сил кенгайиб бормоқда. Ҳо-
зи 12 та ситқини, 23 та
бурдоқни бор. Ишчи қарга-
олган пулларни сарфлашдан
бошладим. Биринч дастлабки
якунлар шунинг кўрсатмоқ-
чи, мен тез орада давлатдан
қарзини бутунлай узаман.

Ҳа, табиий офат зарбидан
азият чекиб, бошпанасиз
қолган ўйлаб кишиларга ян-
ги уйлارнинг қалинлари би-
рин-кетини тоширишди, хона-
донларда яна хушнуд кун-
лар бошлангани муқаррар.

— Жигаристон кўрғо-
нида кotteж типидagi 4 хона-

ТЎКИНЛИК ХОНАДОНДАН БОШЛАНАДИ

Утган йили аҳоли чорваси-
ни кўпайтириш тўғрисидаги
фармонни бажариш йўлида
дастлабки қадамлар қўйилди.
Тўғри, шомша-шошарликлар,
янглишишлар, баҳс ва тор-
тишувлар ҳам бўлди. Бироқ
мақсад тўғри англаганлиги
сабабли ҳам нуқсонлар бар-
тароф этилиб, самара қўзга
ташлана бошлади. 1990 йил-
да аҳолига 706 беш қорам-
ол, 6000 беш қўй, парран-
да, қўча берилди. Уларни
парварши қилиш учун 1100
тона дағал хашак, 2200 тон-
на ширали озуқа тарқатилди.
Ишнинг бошланғичидаги нуқ-

сонлар нималардан иборат
эди? Чорва моллари бир
чекнадан тарқатилверди.
Ем-хашак тарқатишда ҳам
шунга яқин йўл тутилди. Бу
ни миқёсини ниҳоятда кең-
гайтириб, мақсадга эришиш-
ни бир надар мураккаблаш-
тирди.

Бир томонда давлат ёки жа-
моа хўжалигининг чорваси,
иккинчи томонда эса аҳоли-
нинг. Демак, ем-хашакнинг ре-
жалоб сарфлашга тўғри кел-
моқда.

Районимиздаги айрим хў-
жаликлар иложига борица им-
коният қидиряптилар. Маса-
лан, маълум бир участка
аҳоли чорваси учун ем-
хашак етказиб берайти. Бун-
дай таъбирга шу йилнинг
ўзида Свердлов, Топматов
номли жамоа хўжаликлариди
яқин йўлга қўйилди. Беда-
нинг аҳлиси колхозга-ю, кол-
лини колхозчингаи деган ги-
наҳонликлар баркам топа
бошлади. Бу таъбирани бош-
қа хўжаликлар ҳам қўллаш-
моқда.

Хар қалай хонадон чорва-
сида ўзгаринлар бўлаптир.

О. ТУРАҚУЛОВ,
Жалолқудуқ район деҳ-
қончилик-санаят уюшмаси-
нинг бош зоотехниги.



ҚҮЙЧИВОН ҚУВОНЧИ

Бахриддин Шарипов бош бўлган отар жорий йилда Гижувон районидagi «Кўнча» давлат хўжалигида биричиладан бўлиб, қўнчаларни маъмурий инҳоясига етказган эди. Боқимдаги 564 бош совлиқнинг ҳар юзидан 115 тадан соғлом кўзи олинди. Уларнинг деярли 90 фоизи ўстиришга қўлдирилди. Совхоз дирекцияси ва касабаяушмаси тўлини кўнчаларгадек ўтказгани учун Бахриддин бошчилигидаги бир гуруҳ чўпон-чўлиқларни 40 та кўзи билан мукофотлади.

Бундан руҳланган ёш чорвадорлар янада самарали ишлашга бел боғлашмоқда. Ҳарақатлар эса зое кетма-япти. Жуи қирқими ҳам қутилганидан зиёд натижа берди. Ҳар қўйдан қирқиб олгани 2,5 килограммданга тўғри келди. Энди у бошлиқ жамоа қўйларнинг семиз ва соғлом бўлиши йўлида таниқ биланмапти. Жониворларни кўпроқ серути айловларда боқиб, шайтани туфайли этга-от рўз чўпон-чўлиқларни 40 та кўзи билан мукофотлади.

қишлоғга пухта тайёргарликни ҳам бошлаб юборишди. Ем-хашак тўплаш қизғин тусга кираётир. Еш бўлишига қарамасдан кўпчилигида беш бўлаётган Бахриддиннинг ишларидан барча мамнун. Ишлари баракали кетаётганидан ўзининг ҳам қувончи билан СУРАТДА: пешқадам чўпон Б. Шарипов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

УЧРАШУВГА ТАЙЁРМИСИЗ?

12 июнь куни «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташкилий комитет раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов олиб борди.

Республикамизда шу қадар кенг қўламдаги йилнинг биринчи бор ўтказилмоқда. Шу босқиндан ҳам ишбилармонларнинг халқаро даражасига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик қилини керак. Мажлисда ишчи гуруҳларнинг ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, тижорат фаолиятини мувофиқлаштириб туриши, молиявий таъминот, кўргазмалар ташкил этиши, ноширлик фаолияти ҳамда матбуот гуруҳининг иши ва бошқа масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди. Хориждан келадиган ишбилармонлар изатини ўрнига қўйиши, уларга самарали ишлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Кўпгина вазирликлар, корхоналар ва ташкилотларнинг учрашувга яхши тайёргарлик кўраётгани айтилди. Йўмладан, маҳаллий саноат корхоналари, енгил саноат уюшмаси аячгина амалий тақдирлар тайёрланди. Учрашувини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад шартномалар тузиш ва биргаликда корхоналар бунёд этилиши. Шу юмушларга тааллуқли ҳужжатларни тез ва соз расмийлаштириш мақсадида конъюнктура ахборот гуруҳлари тузилган. Улар вазирликлар, муассасалар ва ташкилотларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга ҳақиқий бўлиб турибди.

Ҳозиргина жаҳондаги 46 мамлакатнинг 187 фирмаси наомандаларни учрашувга келиш ҳақида қўйишга тайёр эканликларини билдирдилар. Уларни меҳмоннавозлик билан қутиб олиб, амалий алоқалар ўрнатилганидан кўнлар тобора яқинлашмоқда.

САЪДУЛЛА ПОЛВОН

Тақдир сўқмоқлари

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1939 йил декабрь ойида чиқарган махсус қарориди Каттақўрғон сув омборини қуриш кўзда тутилган эди. Орадан кўп ўтмай бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Бутун республикада умумий сафарбарлик эълон қилинди. Қурилиш ишларига дастлаб Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги халқ комиссарининг ўринбосари Ш. Ч. Айтметов раҳбарлик қилишган. Умумхалқ қурилиш қизғин тус олди.

Манбаларда қайд этилишича, сув омборини қуришда Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларидан 13.000 киши қатнашган. Ташаббускорлар сафидида Каттақўрғонлик забардаст кетмончи Саъдулла Имомов ҳам бор эди. Бу инсоннинг ҳаёт йўли меҳнат ва курашларга бой. С. Имомов 1901 йилда Каттақўрғон туманининг Қўнғирот қишлоғида дехқон оиласида дунёга келди. Болалиги қийинчилик билан ўтди. Восмачилик ҳаракати авж олган йилларда биланги кучга тўлган азамат йигит эди. Арабхоналик Ҳамдамча, олтиовуллик Қоракул, Боймирзо бошлиқ ёт унсуларга қарши жанг қилиб, ўзининг янги тузумга садоқатини намойён этди. Ер-сув ислоҳотини ўтказиш, оммани жамоа хўжалиқларига жалб қилишда жонбозлик кўрсатди.

— Кураш қурбонсиз бўлмайди, — дейди Саъдулла ота ўша таҳликали йилларни эслаб. — Совет ҳукумати-нинг ички душманлари аз эмас эди. Ёт унсулар фаоллардан қатқаштириб ўч олдилар. Холмамат, Тангри каби ҳамқишлоқларини отиб ўлдирди. Мулла Очил, Нарин исмли камбағал-деҳқонлар ҳам эри душманлари қўлида жон бердилар. Бу оғир йўқотишлар олдида томошабин бўлиб туриш мумкин эмасди. Қўлимга юз милтиғ олиб, қишлоқларни қўриқладим. Омма ўртасида тушунириш ишларини олиб бордим.

Кейинчалик ҳаёт ўз изига туша бошлади. Саъдулла ана давр билан бирга қадам ташлади. 1931—1938 йилларда Каттақўрғон ёғ-мой заводида бригадир, жамоа хўжалигида ҳосилот Советининг раиси бўлиб ишлади. Унинг кейинги меҳнат фаолияти асосан сув иншоотлари қурилиши билан боғлиқ. 1939—1941 йилларда Зарафшон каналини, сўнг Каттақўрғон сув ҳавзасини бунёд этишда фаол қатнашди.

Умумхалқ қурилиш кўпгина зарбдорларнинг номини элга тағинти. Зоминлик Ирисмат полвон Маханов, бухорлик Шароф Ҳамроев, Ёлғор Яминовлар ана шулар жумласидан. Улар эришган ютуқлар тилдан-тилга кўчи, матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Шундай бир воқеа Саъдулла отанинг «Идила» неча асрлар тусохи — қоясимон тепалиқнинг кенга қўлидан олиб ташлаш, туноқ учини ўн минглаб кубметр тупроқ ишларини амалга ошириш лозим эди. Техника йўқ. Асосий масъулият кетмончилар зиммасида. Нима қилиш керак? Муаммони ҳал этишда шахсий намуна, ташаббус асосдир. Ирисмат Маханов бошлиқ азаматлар бу мураккаб ва қийин вазифани қўйилмақом қилиб бажардилар. Айниқса, Шароф Ҳамроев ўзига хос жасорат кўрсатди: белига арчга боғлаб, қоясимон тепалиққа қўрилди ва уни бир пудди кетмони билан қисқа муддатда текислашга муваффақ бўлди. Канал қурилишидан бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Сув — ҳаёт манбаи. Урушнинг қизғин давларида ҳам умумхалқ қурилиш тўхтамагани 1941 йилда сув омбори тузишга тупроқ ётқириш бошланди. Узунлиги тўрт километр, баландлиги 28 метрдан иборат иншоотга тупроқ етказиб бориш С. Имомов каби кетмончилар гарданида эди. Унинг ўзига иккита машина бириктирилган. Айтшга осон. Зарбдор йигит кунига 80 машина тупроқ юклаб, қурилишда доврғу таратди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Саъдулла ота меҳнат беллашувида гижувонлик Мавлон полвон, воёбентлик Мустафой полвонлардан устун келиб, ўзининг нималарга қодирлигини амалда намойён

этди. Катта хизматлари эвазига Ўзбекистон партия ва ҳукумати раҳбарлари Усмон Юсулов, Йўлдош Охунбоевлар қўлидан бир неча бор мукофотлар олди. Полвон деган номга сазовор бўлди. Меҳнат Қўзил Байроқ ордени, қатор нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Меҳнат қилган элда азиз. Жонқурлиги ва ташкилотчилиги билан эътибор қозongan С. Имомов 1941 йили колхоз раиси этиб сайланди. У пахта ҳосилдорлигини ошириш, хўжалиқнинг оёққа тургазиш, иқтисодни мустахкамлаш йўлида хайрли ишларни амалга оширди. 1945—1963 йиллар давомида район сув хўжалиги идорасида мироб, агроном, «Ленинизм» ва Крупская номи жамоа хўжалиқларида бошқарув раиси ҳамда тафтишчилар етакчиси бўлиб ишлади.

Каттақўрғон сув омбори қурилганга 50 йилдан ошди. Бу сана Саъдулла ота учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки умрининг қайноқ давлари ана шу зарбдор қурилиш билан боғлиқ. Отаҳон хо-зири 90 ёшида. Олти фарзанди бор. 40 набири ва 6 чеваранинг бобоси. Ҳали тетик ва бардам. Эл ардоғида қарилық тағини сураётган. Ҳақиқия давраларнинг тўрида, Турли сана ва байрамлар муносабати билан учрашувларга таълиф қилиб туришди. Саъдулла полвон ўзининг тақдир йўли, меҳнат ва кураш йилларини, Каттақўрғон сув омбори қурилиш ҳақида сўзлаб беради. Зотан ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, шонли анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш билан аҳамиятини каттадир. Ҳаётини Саъдулла Имомов каби фидойи инсонлар билан тағини ва сермазун. Қарилыкка бар тўтқазмаган отахона: «Ҳамиша омон бўлинг, сизни яхшиларнинг руҳи қўласин», дегимиз келади.

Р. САТТОРОВ, СССР Езувчилар уюшмасининг аъзоси.
Ғ. ШУКУРОВ, Каттақўрғон район «Зарафшон» рўнамоси бўлим мудири.

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Уйчи район маркази ва қишлоқларида катта ҳажимдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Натижада қад ростлаётган маъмурий, турар-жой ҳамда сифатли тайёрланган бинолар сон кўпайиб бораётир. Бу борада айниқса «Агрокоммунстройремонт» корхонаси азаматлари хайрли фаолият юритмоқдалар. Улар таъмирлаган оромоқларда қолқочлардан баракали меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Аҳил жамоа ўтган ойлари мобайнида Тельман номи, Навоий номи, Ленин номи ва «Уйчи» хўжалиқлари шийонларини намунали

ҳолга келтирилди. Бошқача қилиб айтганда 268 миң сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунда Абдуҳаким Иброимов, Зокиржон Давронов сарқорлигидаги бунёдкорларнинг ҳиссаси катта бўлди. Корхонада аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам яхши натижага эришилмоқда. Утган ойларида 41 ўрига 68 миң сўмлик иш бажарилди. Раҳимжон Аҳмедов бошлиқ бригаданинг Ғулжон Аллаев, Аъзажон Пулатов сингари қурувчилари бу ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар.

М. ҚОДИРОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Қўрғондаги 14-қурилиш трестига қарашли механизацияланган 1-қўма колонна қурувчилари Бағдод району меҳнаткашларига тўғра таъйинландилар. Бунёдкорлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида уи компанияни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Бу ерда 10 миң тонна дон сақланадиган омборхона ҳам қад ростлади.

Кўрғондаги 14-қурилиш трестига қарашли механизацияланган 1-қўма колонна қурувчилари Бағдод району меҳнаткашларига тўғра таъйинландилар. Бунёдкорлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида уи компанияни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Бу ерда 10 миң тонна дон сақланадиган омборхона ҳам қад ростлади.

ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

Жигаристон қўрғониди юз берган табиий оқибат барча қатори Қўқон кўн-хром ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси қалбини ҳам ларзага келтирди. Яқинда бирлашма маъмурияти меҳнат жамоаси кенгаши билан ўзаро

маслаҳатлашиб, ёрдам жамғармасига 3 миң сўм маблағ ажратди. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир қисми Жигаристонга юборилаётган бўлди.

И. ФАЙЗИЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАРАДДУДИ

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» матбуот гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шу катта анжуманга тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳозиргача анжуманга бағишлаб махсус планат чиқарилди, маълумотномалар, дастурлар ҳам қад этилмоқда. «Ўзбекистон» деб аталган бюллетен меҳмонларга манзур бўлади албатта. Хорижлик ишбилармонлар «Ўзбекистоннинг четта мол чиқариш имкониятлари» каталогини ўқиб зарур ва

фойдаланма маълумотларни топа оладилар. Ушбу йилгача бағишлаб матбуот бюллетени чиқаришга ҳам қизғин тайёргарлик қилинмоқда. Мажлисда матбуот конференциялари ўтказиш, меҳмонлар билан суҳбатлар уюштиришга оид ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Учрашувининг яхшам, чиройли ва рангдор эмблемаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материалларни беэади.

(ЎзТАГ).

ЕТТИ ИККИМ САБОСИ

ИШ ТАШЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ВАРШАВА. Польша корхоналарида иш ташлаш ва норозиликлар давом этмоқда. Шчецин воеводаларида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг иш ташлашга ходимлари иш ҳақи кўпайтирилиши ва итимиёий шартнолар яхшиланганини талаб қилмоқдалар. Бидгошч воеводаларида ўқитувчиларнинг иш ташлаши бўлиб ўтди, иш ташлаш 60 га яқин мактабни қамраб олди. Бу мактабларда фақат бир неча асосий фанлардан машғулотлар ўтказилди. Торунь воеводаларида бир соатлик оғоҳлантириш иш ташлаши бўлди, бу ерда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган «Агрометуна» фабрикасининг ўтган ой учун машина тўлиқ ололмаган ходимлари маошларининг қолган қисмини ҳам тўлашни қатъий талаб қилдилар. Бундан ташқари улар иш ҳақини 800 миңг злотих оширишни, фойда намонами учун пул тўлашни ҳам талаб қилмоқдалар.

Радомда «Бирдамлик» касабаяушмаси аъзолари шадимларнинг норасийи иш ташлашига бошчилик қилишди. Улар ҳам иш ҳақини оширишни талаб қилишмоқда. Варшава шаҳри ва Варшава воеводаларида полициячилари касабаяушмаси миллий идораси оғоҳлантирувчи тадбирлар ўтказишга яна бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу оғоҳлантириш тартиби посбонлари 17 июнда хизматта маъмуриятда чиқаришга йўналдирилган чирқинлариди. Улар полиция тўғрисидаги узоқ муҳокама вазифаларини бажаришни талаб қилишмоқда.

ТОКИО. Такси ҳайдовчилари умуммиллий касабаяушмаси давлатига биноан Жанубий Корея пойтахтида ўтказилаётган иш ташлаш натижасида ўн минглаб таксиси Сеул кўчаларига чиқмади. Иш ташлашда Сеулнинг иш ҳақи оширилганини талаб қилаётган 33 миңдан ортиқ такси ҳайдовчиси қатнашмоқда. Касабаяушмаси расмий вакилларининг айтишича, касабаяушмаси пойтахт бўлими иш ҳақини ошириш тўғрисида шахсий тамоматор компаниялари раҳбарлари билан музокаралар барбод бўлганидан кейин иш ташлашни бошлашга қарор қилди.

СУМҚАСД РАХБАРИ АНИҚЛАНДИ

ДЕХЛИ. Ражив Гандига суиқасдини текшираётган махсус тергов гуруҳи дастлаб жиддий ютуққа эришди. Портлаш содир этилган ерда янги жойда турган ариқка кишининг шахси аниқланди, терговчилар шу киши суиқасиди раҳбарлиги қилган деб ҳисобламоқдалар. У Рагу, ёки Рагуқомарон деган одам бўлиб, Ланки тамилларнинг «Тамил ялама» (Тоти) «Озодлик йўлбарлари» экстремистлар тўдасининг фаолидир. Ҳиндистоннинг Тамилнад штати ҳудудида ана шу ташкилотнинг раҳбариди раҳбарлиги тармоғига бир неча йил бошчилик қилган.

Рагу бир неча жиноятини ташкил этишда, шу жумладан ўтган йилнинг июнь ойида рақобатчи Тамил тўдасининг 13 раҳбарини ўлдирини уюштирган деб шубҳа қилинмоқда. У Ҳиндистондан чиқиб кетишга муваффақ бўлган, деб тахмин қилинган, бироқ Деҳли хорижий мамлакатлар полицияларининг ёрдамида умид қилмоқда. Эндиликда шубҳа остида олинган кишининг фотосуратидан ташқари унинг ёзма тасвири ҳам тарқатилди.

Полициянинг илтимосига биноан газеталар Субҳи ва Нахона деган икки аёлининг фотосуратини ҳамда ёзма тасвирини, шунингдек Мур-

тан исмли 18 йилар йигитининг тасвифини эълон қилди. Улар Рагуқининг югурдакларни деган маълумотлар бор. Аввалдан бири Ражив Ганди билан биргаликда ўзини портлаштириб оғорган террорчи аёлининг сийлиси деган фикр бор. Ҳар ҳолда уларнинг ташқи жиҳатдан ўхшашлиги кўга ташланади. Ана шу уч кишидан ҳар бирини кўрсатиб берганлик учун юз миңг рупий мукофот белгиланди.

Тамилнад штатидан олинган маълумотларга қараганда, у ерда Ланка тамилларидан ана 13 киши ушланган, суиқасид муносабати билан улар сўроқ қилинмоқда. ПТИ агентлиги уларнинг қандаи иккитаси «Йўлбарслар» билан алоқадор деб ҳисобламоқда.

Шу билан бир вақтда митингга ҳавфсизлики таъминлаш лозим бўлган полицияларга ўз бурчини бажармаганини ҳам тергов қилинган. Портлаш оқибаси билан оқибатдаги журналистлар билан учрашува «Совет аксидинкичиликчилари» ана қўлига қурол олишга мажбур қилган ҳақиқий сабабларни аниқлаш учун ҳукумат билан контраст ўртада мулоқот бўлиши зарур» деди. Аксидинкичиликчилар ўтган йилнинг май ойида Виолета Барросе де Чаморос ҳукумати ҳокимият тепасига келгандан сўнг қуролларини топширган эдилар.

ПРЕЗИДЕНТ БУШ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Ж. Буш Қўшма Штатлар Совет Иттифоқи Америка қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун унга 1,5 миллиард доллар қара беришни тўғрисида СССР Президенти Горбачевни хабардор қилди. Оқ уй матбуот котиби Марлин Фишутер шу ҳақда маълум қилди.

НИКАРАГУАДА НОТИНЧЛИК

МАНАГУА. Никарагуанинг Матагальпа департаментидида собиқ контрастарнинг қуролли гуруҳлари сайдиночлар билан ҳалқ армиясининг ҳарбий базасига ва қишлоқ хўжалик кооперативига ҳужум қилди, деб хабар берди маҳаллий «Баррикада» газетаси. Иккала ҳужум ҳам ана йилга қурол олган «Никарагуа қаршилик кўрсатиш ҳаракати» аъзолари томонидан амалга оширилди ва бир соатча давом этди. Ҳарбий база билан кооператив шиддатли ўққа тутулди, бироқ дастлабни маълумотларга қараганда, бу ҳужумлар натижасида ҳеч ким шикаст етмади.

Иккинчи томондан, Америка давлатлари ташкилотининг Никарагуадаги кузатиш ваколатхонаси вакили Сантьяго Муррай собиқ контрастарнинг яна қуролланган гуруҳлари мавжудлигини эътироф қилди. У Никарагуа пойтахтида журналистлар билан учрашува «Совет аксидинкичиликчилари» ана қўлига қурол олишга мажбур қилган ҳақиқий сабабларни аниқлаш учун ҳукумат билан контраст ўртада мулоқот бўлиши зарур» деди. Аксидинкичиликчилар ўтган йилнинг май ойида Виолета Барросе де Чаморос ҳукумати ҳокимият тепасига келгандан сўнг қуролларини топширган эдилар.

КАТЪИЙ ФИКР

РИМ. Словения 26 июнь куни сиёсий декларация қабул қилиш билан ўзининг тўла мустақиллигини эълон қилди ва шу кундан бошлаб жумҳурият мустақил давлат сифатида иш юрита бошлайди. Лекин у Югославия федерацияси бир қанча идоралари фаолиятида аввалдагидек қатнашишни ният қилди. У бошқа жумҳуриятлар билан бирга ҳозирги Югославияни мустақил давлатлар иттифоқига айлантириш мақсадида шартнома тузиш йўллари излашни давом эттиради. Бу ерда журналистлар билан учрашува Словения раёсатининг раиси Милан Кучан Италияга таширфи тугатганидан сўнг шу ҳақда гапирди. Уни президент Франческо Коссига қабул қилди, у Вазирлар Кенгашининг раиси «Жулио Андреоитти ва ташқи ишлар вазирни Жанни де Микелли билан музокаралар олиб бори.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. Совет Президенти Михаил Горбачев «Етти катта давлат» раҳбарлари — саноати яхши ривожланган давлатларнинг олий даражада бўладиган иқтисодий кенгаши қатнашчилари билан учрашгани учун Лондонга келиши имкониятига эга бўлади, деди дуншанба кун Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдустлик ишлари вазири Дуглас Хорд. Бироқ, деди у, Совет раҳбари «Ғарбнинг ёрдам бериш тўғрисидаги ваздаларига умидвор бўлиши мумкин эмас». Д. Хорд Америкадаги етакчи Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда «икки кун

ичида» М. С. Горбачевга тегишли тақлифнома юборилишини маълум қилди. Д. Хорд СССР Президенти «Етти катта давлат» кенгашида бевосита қатнашмаслигини, «Лекин у тугаши билан» Президент Буш ҳамда Ғарбдан бошқа раҳбарлар билан Лондонда учрашш учун теда тақлиф этилганлигини» ҳам айтди. Д. Хорд «Президент Горбачев Лондонда энг кўп билан Совет Иттифоқининг қандай ёрдамга эҳтиёжини бориши масаласи юзасидан текшириш ўтказишни янги тартибга умид боғлаш мумкин», деб шайма қилди. У, шунингдек Ғарбнинг СССРга ҳар қандай ёрдами

мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказилиши зарурлиги асосланишини ҳам айтди. ТОКИО. Жаҳондаги саноати ривожланган етти етакчи давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 15 июль кун Лондонда очилган кенгаши арафасида АҚШ президенти Жорж Буш билан Япония бош вазири Тосики Кайфунинг учрашуви ўтказилди. Бу ҳақда Вашингтон билан Токио ўртасида бир битимга келинди, деб хабар қилди «Асахи» рўнамоси Япония Ташқи ишлар вазирлигидаги манбаларга таяниб. Худди шу манбаларда, деб таъкидланди рўнамо, «Совет Иттифоқига иқтисодий ёрдам бериш масаласи кенгаши кун тартибининг мундир мавзуси бўлади», — дедан фикр билдирилди. Кнодо-Цусин ахборот агентлиги ҳукумат манбаларига таяниб, дуншанба кун хабар қилишича, Япониянинг маъмурият юзасидан тугган йўли бутуни кунда умуман

аниқ бўлиб қолди. Токио Москвага жуда катта моллий-иқтисодий ёрдам кўрсатилишига розилик бермоқчи эмас, айни вақтда у Ғарбга Совет қайта қуришга технология ҳақда ақл-зиё билан ёрдам бериш билангина чекланишни тақлиф этаётган.

ВАШИНГТОН. Оқ уй матбуот котиби Марлин Фишутер бу ерда журналистлар билан ўтказилган учрашува олий даражадаги Совет-Америка учрашувига тўғралик эди, шундай деди: «Мен календарга назар ташлаб, бу ишга оқилона ёндашилса, учрашувининг июнь ойида бўлиши анча маъмурият бўлиб қолмоқда, деб ўйлайман. Бу ишни аввалгидек июнь ойида амалга ошириш мумкин дир, лекин бу ердиларнинг кўпчилиги учрашуви июль ойига ўтказишни кутмоқда деган фикрданам. «Биз ҳали ҳам олий даражадаги учрашув бўлишини хоҳлаймиш. — деди Оқ уй вакили. — Бунда стратегик

(ТАСС).

Тўлқинчи

ОРОМГОҲЛАР ШАЙМИ?

Езинг иссиқ кунлари бошланди. Одатда кечагина ўқув машғулотларини тугатган мактаб ўқувчилари энгил нафас оладилар-да, ўзларини интизорлик билан кутаётган саддин ва сўлим гўша — кашпофлар оромгоҳларига отланадилар.

Бу йил Фарғона вилоятида 63 та дам олиш маскани 153 мингдан зиёд боланинг ёз бўли мириқиб хордиқ чиқаришига хизмат қилади.

Вилоятдаги барча оромгоҳлар ёғи дам олиш маскани масалани ўрганиш мақсадида «Ферганаррестрой» га қарашли «Иррестрой» кашпофлар лагерига йўл олди. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Абдулла Охунжоновни учратдик.

Лагерда ремонт тугатган бўлса ҳам ҳали қўйилмаган ишлар кўп, — деди у. — Шу кунгача тарбиячилар масаласи ҳал бўлмапти. Негадир Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимидаги раҳбарлар ишни пайсалга солишмоқда.

Лагерда таъмирлаш ишлари учун бу йил 66 миң сўм маблағ ажратилган. Дам олиш маскани 320 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда 4 сменада 1280 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Лекин лагернинг шу кунлардаги ҳолатини болаларни қабул қилиб олиш учун тайёр деб бўлмайди. Ҳордиқларни таъмирлаш давом этмоқда. Йўл четлари, ариқчалар тозаланмаган.

Шундай манзарани Тошлоқ районида қарашли «Оқ олтин» пионерлар лагерига ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда мавсум бошлангачи қарамай бўлиш ва оқлаш ишлари давом этапти. Лавҳалар, широрлар ҳанузгача ёзиб қўйилмаган. Лагерь бошлиғи ва тарбиячилар

БЕБУРДЛИК

Абдукарим хонадонда нотинчликми, оиласида бирор кўнгилсизлик юз берди? Тогни урса талқон қиладиган қирчиллама, қирқ ёшли йигит шундай ҳолга тушадими? Йўқ! Гулдай оиласи, вафодор умр йўлдоши, бири-бирдан ширин ўғил-қизлари — унинг бахти. Ишдан бўшади, дегунча уйига — оиласи қошига шошилади. Унинг оиласидан тотовулини кўплар орзу қилади. Ҳа, оиладан унинг кўнгли тинч.

Абдукарим нега ўзини? Ё болаликдан бирга ўсган қардон дўстларидан бирониси дилни оғритдими, садқатига хўнаёт қилди? Дўстсиз бошим — тузсиз ошим. Дўстдан ажралдиш — оғир жудолик. Шукрлар бўлсин, унинг дўстлари кўп. Ҳаммаси садқатли, меҳрорқабди. Бир кун кўришмаси соғиниб қолишди.

Абдукарим жамоа хўжалиги ён туман раҳбарларининг бирониси билан тўнлаш келишим, унга адолат сўзлик қилишим? Камситилдим? Режаларига мақсад ва ҳаракатларига тўсқинлик қилишим? Бундай эмас. Жамоа, район раҳбарлари, мутахассисларини ҳам уни яхши танишди, қадрлашади. Меҳнатини ибрат қилиб кўрсатишди. Йигин ва давраларда уни тўрға тақлиф қилишди.

Абдукаримнинг ўз ишдан кўнгли тўлмаётгандир. Шундан хафадир. Йўқ! Каттаги хўрама кичинки иззат қилади. Беш йил муқаддам уни бригадирликка сайлашган. Ҳа йилдан бери шу бригадир бўлиб. Шундан бери пахта тайёрлаш режаси ортиги билан адо этилади. Ҳосилдорлик энг оз бўлган йил

лағрига нозик дидди, сизқидилдан ишловчи Сулаймон Эргашбеов, Зоиржон Топтимов, Саминжон Йўлдошев каби ишчиларни жалб қилганми. Кўриб турганингиздек, лагерини болаларни қабул қилишга тайёр.

«Агропромстрой»нинг Қўқондаги 2-трестига қарашли «Кўлбўли» оромгоҳида ҳам мавсумга тайёрлик ишлари яхши ташкил этилган. Бунда лагер директорни, Ленинград райониданги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси Зафаржон Охунжоннинг катта хизмати бор.

— Бугунги кунда пионер лагерини учун бир неча масалаларни ҳал этиш лозим, — дейди жумхурият агросаноат ходимлари касба уювмасининг вилоят бўлибга шифокори Нерматжон Иброҳимов. — Бу йил мавсумда вилоят ҳудудидagi болалар оромгоҳларини озик-овқат маҳсулотлари билан етарли таъмин этиш муаммо бўлиб турибди. Картошка етарли бўлади, лекин пиёз масаласи чатоқ. Колхоз-совхозлар керакли маҳсулотларни етказиб беришлари лозим. Бирор бахтга қарши уларнинг оромборлари бугун бўм-бўш. Колхоз-совхозларга қарашли пионер лагерларида сарёв, шакар йўқ. Бу масалаларни ким ҳал қилади? Бунинг устига идиш-товуқ ва стандалар билан таъминлаш ҳам кўнглидагидек эмас.

— Ошпазларнинг хизмати-дан кўнглингиз тўладими? — Йўқ. Пионер лагерига маламага эга бўлган паваллар берилиши лозим. Ўнда эса аксинча. Фақат карам шўрва, мастава ва палов тайёрлаш билангина ошпазларига болаларга хизмат қилади. Белгиланган таомномага аксарият ҳолларда риоя қилинмайди.

Ҳа, пионер оромгоҳлари ширин-шакар фарзандларимизни кўчоқ очиб кутиб олабшадилар. Вожақонлар ёз кунлари яхши дам олмақларини таъминлаш учун ҳамма жойда зарур чораларни кўриш ҳам фарз. Ҳам қарздор.

А. ТУХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.
В. ШОКИРОВ,
«Коммуна» мухбири.

ТАНИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Нарх ошгандан кейин ҳамма нарса бемалол бўлиб қолармиш. Ҳа, биз соддамиз. Ишондик. Пулинг бўлса-ю хоҳлаган нарсани тополмасанг. Нарх ошса ундан нари, пештахталар тўлиб турсин, дедик.

Ўтган кутлуғ кунларни эслаб шаҳар кезамиз. Чиндан ҳам дўконларда айрим намёб моллар кўришиб қолибди. Шерингига кесатиб аралаш луқма ташлаган аёл:

— Компенсациясини объекти, 10 дона оларкансиз. — деди.

Тошкент чинни заводи ишлаб чиқарган пилаларни илгари чайқовидан донасига 1 сўмдан бериб олардик. Энди эса нархи 4 сўму 77 тийин. Бемалол. Навбатсиз, ур-сурсиз олаверасиз. Қиммат дейсизми? Фарғона тарафларда шуюм йўқ.

Яқинда Қўқон шаҳрида бўлдик. Бир пайт кўча юзидан ит эгасини танимайдиган бозор бўлиб этибди. «Менга иккита», «Менга тўртта».

— Савдонингиз баракали кўринадими? — деб сурадик 40-хўжалик моллари дўкони мудири Валихўжа Аҳмедовдан.

— Авваллари бунақа савдо бўлмасди. Халқнинг кўзи

оч бўлиб қолдимиз, алюмин идишларини талаб кетишарми.

— 26 йил савдо соҳасида ишлаб, харидорлар билан келишмовчилик ҳоллари бўлмаган. Уриниб кетишарми. Улар ҳақ, Тўғри, алб бизда эмас. Ўша фалон пулга арзимайдиган молларга нархини биз қўймаймизку!

Муборак опа стол устига бир уюм нарсаларни тўқди. 2 ёшли қизчаларнинг чиндан оидийгина қўлиб тикилган 4 сўм 90 тийинлик қўйлагил, янги нархда президент солиғи билан 17 сўму 54 тийинга кўтарилиб кетди. Бўчи белбоққа ёлчимагани шу-да. Дардингни кимга айтасан ахир.

Одамлар муҳтожликдан қиммат бўлса ҳам у ён бу нарса харид қилганини кўриб, баъзи савдо ходимлари «Одамларда пул кўп экан-да» дейишди. Афсуски, ўша дўкондор акам, одамлар йўқчилиқдан бир-бирдан қарз олиб яшаётганликларини билармики? У эса юлшиб пайида. Тани бошқа дард билмас экан-да!

Қ. БОЙХОНОВА.



«Тез ёрдам» ёрдамга муҳтож. М. ЖУРАЕВ чизган расм.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» НИНГ ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1991—1992 ўқув йилига ўқувчилар қабул қилади

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ
(702152, Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, почта бўлими)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи; таёрловчи ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва умумий овқатланишни ташкил этиш, кооператив савдони ташкил қилиш; ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи; таёрловчи ташкил қилиш ва ўсимликлар маҳсулотлари товаршунослиғи.

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ
(703027, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43-уй)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил қилиш; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

БИЛИМ ЮРТИ
Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; назоратчи-кассирлар, ошпазлар.

ҚАРШИ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ
(730019, Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 52-уй)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

ФАРҒОНА КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ
(712019, Фарғона шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 105-уй)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи; китоб товаршунослиғи.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

БИЛИМ ЮРТИ
Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ маҳсулотлари сотувчилари; ошпазлар; новвой-қандолатчилар; кундалик эҳтиёж моллар сотувчиси; таёрловчилар.

ТЕРМИЗ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ
(732110, Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, 284-уй)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

СИРТҚИ БЎЛИМ: бухгалтерия ҳисоботи; кооператив савдони ташкил қилиш, ноозиқ-овқат товаршунослиғи; кооператив савдони ташкил қилиш, озиқ-овқат товаршунослиғи.

БИЛИМ ЮРТИ
Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; ошпазлар.

АНДИЖОН КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ
(711110, Андижон вилояти, Олтинкўл ноҳияси, В. И. Лениннинг 100 йиллик таваллуди номи кўча)

КўНДУЗГИ БЎЛИМ: асбоб-ускуналарни со-

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

БИЛИМ ЮРТИ
Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчилар; автомобилни бошқара оладиган таёрловчилар.

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ
(700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-уй)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчилар; автомобилни бошқара оладиган таёрловчилар; назоратчи-кассирлар; ошпаз-официантлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таёрловчи; автомобилни бошқара оладиган таёрловчилар; ошпаз-қандолатчилар; қандолатчилар; новвой-қандолатчилар.

СИРДАРЕ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ
(707000, Гулистон шаҳри, 4-микрорайон)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; ошпазлар; новвой-қандолатчилар; назоратчи-кассир-сотувчилар.

НАМАНГАН КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ
(717223, Наманган вилояти, Косонсой ноҳияси, Қуқумбой қишлоғи)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қандолатчилар; ошпазлар; автомобилни бошқара оладиган таёрловчилар.

ЖИЗЗАХ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ
(708014, Жиззах шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй)

Ноозиқ-овқат, озиқ-овқат сотувчилари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчилар; ошпазлар; новвой-қандолатчилар; назоратчи-кассирлар.